

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ҲУҚУҚ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЎРНИ

¹Кабилова Гулнора,

²Игамбердиева Дилбар

¹СамДУ академик лицей тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиси,
Самарқанд,

²СамДУ академик лицей тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиси,
Самарқанд, Ўзбекистон 0007.hp@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7364351>

Аннотация: Ушбу мақолада ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш тўғрисида Шарқ алломаларининг фикрлари берилган. Академик лицей тарих ва ҳуқуқ дарсларида маълумотларнинг аксарияти Шарқ мутафаккирларининг ибратли гаплари билан изоҳланган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, таълим-тарбия, маънавий мерос.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Бу йўлда ёш авлоднинг ўрни муҳим. Янги авлоднинг ҳуқуқий онгини, дунёқарашини ривожлантиришда миллий қадриятлар, халқимизнинг маънавий мероси, тарихимиз, алломаларимизнинг илмий мероси катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда ёш авлодни интеллектуал маънавий жиҳатдан ривожлантирмай жамият тарққиётига эришиб бўлмайди. Бу борада Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий таълимотлари катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда барча фанлар дарсликларида маънавий меросимизга, бутун жаҳон цивилизациясига беҳисоб ҳиссаларини қўшган алломаларимиз Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ал Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий ва бошқа кўплаб мутафаккирларимизнинг ноёб фикрлари, илмий қарашларидан фойдаланиб, ёшларимизнинг ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий дунёқарашлари бойитиб борилмоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш учун аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш лозим. Ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти шаклланган бўлса, давлат томонидан чиқарилган қонунларга тўғри ёндашилади. Натижада, жамиятда ҳуқуқбузарликлар камаяди. Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим Ибн Синонинг “Аш-Шифо” асарида инсон ва жамиятни маънавий поклаш, ижтимоий-ҳуқуқий иллатларни даволаш тартиби айтиб ўтилган.

Академик лицейларда Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда Ибн Синонинг кўплаб ноёб илмий жумлаларида акс этган. “Хижолат ва тортинчоқлик қайғу ва ёмонлик туфайли тинчликнинг бузилишидир.

Бунда инсон ўзининг ўтмиши, ҳозирги пайти ва келажакдаги мавқеи қай даражада бўлишидан қатъий назар ўзини ўзи қойийди” дейди Ибн Сино. Ибн Синонинг юқоридаги фикрлари шахсни аниқ бир фикрга эга бўлиши кераклигини, акс ҳолда кейин пушаймон бўлиши мумкинлигини ифодалайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ҳам ноёб ҳуқуқий манба ҳисобланади. Асар мазмунида давлатни қандай идора этиш, ҳуқуқий онгли жамоа қуриш воситалари қандай бўлиши кераклиги, мансаб соҳибларининг жамият муносабатларига муносабати қай тартибда бўлиши керак, деган муаммоларга алоҳида эътибор берилган. “Қутадғу билиг” асарида ҳуқуқий таълим-тарбия, маърифат, турли ижтимоий табақалар ва кишилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва давлатни бошқариш хусусида баҳс қилинади. Академик лицейлардаги давлат ва ҳуқуқ асослари фани, “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” мавзусида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Пора ўнгланиб кетган ишларини бузади, битаётган ишларни барбод қилади” деган фикрлари мавзунини ёритишда кенг аҳамият касб этади. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар мавзусида эса, “Ғофил одам кўз юмиб ғафлат уйқусига ботади, эй иродали мард, ғофил бўлма, хушёр бўл” дея инсонларни хушёрликка, огоҳликка чорлайди. Ёш авлодга еса:

Отанг пандларига сен қилғил амал,

Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.

Онангни, отангни севинтир тамом,

Бу ҳикмат етқургай тилакка мудом деб панд- насиҳат қилади.

Кўҳна Хоразм заминида жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган Маҳмуд аз- Замахшарий “Пора фақат ноҳақлиг-у золимларга ёрдам берувчидир”,- деган фикрлари билан, пора ёмон иллат эканлигига ишора қилган.

Амир Темур давлати барпо этилгач, илм-фан, маданият, меъморчилик ва бошқа соҳалар ҳам ривожланди. Амир Темур бошқарувда доимо қонун-қоидаларга риоя қилиб, тузукларига амал қилган. Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги одилона ғоялари ҳозирги авлоднинг билимлари ошишида ёрдам бериб келмоқда. Буюк Соҳибқирон “Куч-Адолатдадир” дея, ҳар бир ишга адолат билан ёндашган. Ҳозирги кунда ҳам давлатимизда адолатлилик тамойилига асосланади.

Марказий Осиёдаги миллий давлатчилик, адолат, ҳукмдор ва фуқаролар муносабатларининг бадиий талқини Алишер Навоий асарларида акс эттирилди. Алишер Навоийнинг ҳуқуқга оид ноёб фикрларини

“Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар” мавзусида кўришимиз мумкин. Яъни, Алишер Навоий “Тухматчи бир соатда бир ойга таътигулик фитна кўзғатади” деган фикрлари билан тухмат нақадар ёмон иллат, яъни жиноят эканлигини таъкидлаган.

Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда Шарқ мутафаккирларининг кўплаб фикрлари, қарашлари дарсликларда келтириб ўтилган. Биз юқорида айримларини кўриб чиқдик. Мутафаккирларнинг ижодини ўрганишдан асосий мақсад ёшларда чин инсоний фазилатларни шакллантиришдир.

Мутафаккирларнинг ижоди ёрдамида ёшлар онгига ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур ва бошқа эзгу ғояларни сингдиришимиз зарур.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2011
2. И.Исматова, О Каримова 11-синф дарслик. Давлат ва ҳуқуқ асослари-Т: -2018.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри – Т.: Фан, 1993.
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд – Т.: Фан, 1968
4. Б.Аҳмедов. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти)–Т.: Фан, 1996.
5. Худоярова Д. Р., Шопулотова З. А. OPTIMIZATION OF MANAGEMENT OF PREGNANT WOMEN WITH CHRONIC PYELONEPHRITIS //УЗБЕКСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ. – 2022. – Т. 3. – №. 3.
6. Худоярова Д. Р., Кобилова З. А., Шопулотов Ш. А. Возможности инновационного метода обучения–геймификация //Онтологические и социокультурные основания альтернативного проекта глобализации.— Екатеринбург, 2021. – 2021. – С. 361-364.
7. Khudoyarova D. S. D. R., Tilavova S. A., Shopulotova Z. A. MANIFESTATIONS OF EXAMINATION OF CHRONIC PYELONEPHRITIS IN PREGNANT WOMEN (CLINICAL CASE) //Thematics Journal of Microbiology. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
8. Rakhimovna K. D., Abdumuminovna S. Z. OVERCOMING POSTOPERATIVE PAIN SYNDROME AFTER GYNECOLOGICAL SURGERY //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2022. – Т. 3. – №. 06. – С. 117-120.
9. Rakhimovna K. D., Abdumuminovna S. Z. OVERCOMING POSTOPERATIVE PAIN SYNDROME AFTER GYNECOLOGICAL SURGERY //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2022. – Т. 3. – №. 06. – С. 117-120.

10. Shavkatova G. S., Xudoyarova D. R., Shopulotova Z. A. METABOLIK SINDROM-
ZAMONAVIY JAMIYATNING MUAMMOSI //Eurasian Journal of Academic
Research. – 2022. – T. 2. – №. 3. – C. 486-491.